













**ДИЛ СЎЗИ**

Журналистика соҳаси вакили доим фаол бўлиши билан бирга ҳар бир янгиликни тез илғай олиши, воқеликни холис ёритиши зарур. Бугунги кунда ушбу соҳа фаолиятида турли илора ва ташкилотларнинг матбуот хизмати ходимлари ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Хусусан, сиёсий партия-мизнинг ҳудудий кенгашларида фаолият юритаётган матбуот котиблари юртимизнинг шаҳар ва туманларида аҳоли ўртасида партиянинг мавқеи, образ-этибори ортишида муҳим ўрин тутаяди.

**Матбуот котибининг масъулияти**



кўплаб мисолларни келтириб ўтиш мумкин.

Албатта, оммавий ахборот воситаси жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савияси шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келмоқда. Партия томонидан ташкил этиладиган ҳар бир тадбирнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши оқали ҳам аҳолининг сиёсий қарашлари ривожланади. Фаол ва ташаббускорлар сони кўпаяди. Сиёсий етуқлик сари интилиш юзага келади. Айни шу жараёнда вилоят партия кенгашининг матбуот котиби ҳал қилувчи ўрин тутаяди, десак муболага қилмаймиз. Меҳнат жамоасида барча ҳамжиҳат бўлиб, содда қилиб айтганда, бир ёқадан бош чиқариб ишлашида матбуот котиби мувофиқлаштирувчи кадр сифатида ҳам намоён бўлади. Бу хислатларнинг барчаси матбуот котибидан мужассам бўлиши жуда зарур, албатта.

Моҳиғул Абдуллаева вилоят партия кенгашининг ана шундай масъулиятли лавозимида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аммо уч йил ичида у масъулиятни чуқур англаши, ҳозиржавоблиги, шу билан бирга, партия ходимига хос қатъияти билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Унинг фикрида журналистга хос ҳақиқат, ўзига талабчанлик ҳисси яққол сезилиб туради. Матбуот котибининг ўз ишига виждонан ёндашиб, адолат мезонига риоя қилиши ҳам ташкилотга мувожаат этган фуқароларда илиқ фикр уйғотади. Зеро, матбуот хизмати партия ва аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликни боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Моҳиғул одамларнинг дарду ташвишларини дилдан кечириб, партия фаоллари ва депутатлар билан биргалликда маҳаллаларда уйма-уй юриб, фидойиларча ишлашга интилади. Ҳар бир мавзунинг ҳаққоний ёритиши, фуқароларга аниқ маълумот тақдим қилиши М.Абдуллаева касб фаолиятининг муҳим жиҳатига айланган. Мавзунинг ҳаққоний ёритиши аҳолини ўйлантираётган муаммолар ҳал бўлишига ёрдам бериши тайин, бу борада матбуот котиби фаолиятидан

**Мақсуд ҲАМИДОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Бухоро вилоят кенгаши  
раиси

**ТАБИАТ ВА ИНСОН**

"New Scientist" журналининг хабарига кўра, ҳар йили Буюк Британияда миллиардлаб пластик ичимлик найчалари ишлатилади.

**Пластик маҳсулотлар тўхтатилади**



Улар асосан денгизга ташланиши оқибатида сув ўсимликларига зарар етказилмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида Британия ҳукумати 2020 йил апрелдан айнан пластик ичимлик найчаларидан фойдаланишни бутунлай тақиқлади. Шунингдек, пластик кулоқ тозалогичлар ҳам ишлатилишдан тўхтатилади.

Гарчи тақиқ тўғрисидаги таклифлар бир неча йиллардан бери билдириб келинса-да, у жорий йилдан бошлаб ҳамма жиддий ўйлантира бошлади.

— Бу буюмлар гарчи бир неча сониягина ишлатилса-да, юз йиллар давомида ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Бир лаҳзалик қулайлигимиз учун биз денгиз оламининг қанча йиллар давомида зарарланишига йўл қўйиб бераёلمиз, — дейди мутахассислардан бири Михаил Гове.

Агар Буюк Британия Евроиттифок аъзоллигини сақлаб қоладиган бўлса, 2021 йилдан бошлаб Европа парламенти қоидаларига асосланиб, бир марталик пластик санчки, қошиқ ва пичоқларга ҳам тақиқ қўйишни режалаштирган.

**«Булунғур деҳқон бозори» МЧЖ жамоаси**

мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!




Хизматлар лицензияланган

**«Каттақўрғон шаҳар деҳқон бозори» МЧЖ жамоаси**

**27 июнь —**

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ушбу соҳада фаолият юритаётган барча ижодкорларни қутлайди!



Хизматлар лицензияланган

**«Каттақўрғон шаҳар буюм бозори» МЧЖ жамоаси**

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини қутлайди.



Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган фидоқорона меҳнатинингиз устун сизга ташаккур, азиз дўстлар! Оилавий тотувлик, сиҳат-саломатлик ҳаминиша йўлдошинингиз бўлиб қолишига тилакдошмиз!

Хизматлар лицензияланган

**Дунё хабарлари**



ҚИСҚА САТРАЛДАР



«Reuters» хабарига кўра, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг жорий йил июль ойида Туркияга ташири буюриши кутуляпти.

Бу ҳақда Туркия Республикаси Президенти Японияда ўтаётган G20 саммитида маълум қилди.

Эрдўган G20 саммитида Трамп билан учрашиб, қуйидагича фикр билдирди:

«Менин АҚШ Президенти Трамп билан G20 саммитидаги учрашувим икки томонлама муносабатларимизда юзага келган кескинликни бартараф қилиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, гап жаноб Трампнинг июль ойида Туркияга ташири ҳақида борапти».

Эрдўган расмий Анқара Россиядан С-400 ЗРМ сотиб олиш фикридан қайтмаслигини яна бир бор таъкидлади ва Трампдан санкция ҳақида ҳеч нима эшитмаганини билдирди.

«Биз уларга F-35 лойиҳаси учун 1,25 млрд. доллар тўлаб бўлганмиз. Агар улар ҳақиқатда, шундай нотўғри ҳаракат қилишса, биз халқроқ арбитраж судига муурожаат қилиб, ҳозиргача сарфлаган харажатларимизни қайтариб беришларини талаб қиламиз», деган Эрдўган.

Яна бир муҳим хабар: АҚШ Президенти Дональд Трамп Оқ уй матбуот котиби Сара Сандерс ўрнига Мелания Трампнинг матбуот атташеси бўлган Стефани Гришемни тайинлаш борасида бир тўхтамаг келди.

Янги матбуот котиби 1 июлдан иш бошлайди.



«РИА Новости» хабарига кўра, Украина делегацияси Европа кенгаши парламент ассамблеясини тарқ этишини билдирди.

Бунга сабаб Европа кенгаши парламент ассамблеяси чоршанба кунини Россия делегациясининг ваколатларини тўлиқ ҳажмда тикловчи резолюцияни қабул қилгани бўлди.

Россиянинг ваколатларини қайтариб берувчи резолюция қабул қилиниши биланоқ Украина делегацияси вакили Алексей Гончаренко микрофонда «биз кетамиз», деб айтган.

«РИА Новости» хабарига кўра, Аризона штатида яшовчи Тина Хайннинг юраги тўсатдан тўхтаб қолган. У ўртинчи марта таба уринишда ҳаётга қайтарилган.

Шифокорлар етиб келгунига қадар Тинанинг турмуш ўртоғини унинг юрагини бир неча бор қайта ишга туширишга муваффақ бўлган. Касалхонага боргунга қадар шифокорлар бемор ҳаётини дефибриллятор ёрдамида бир неча бор сақлаб қолишга уринган. У ўзининг Instagramдаги саҳифасига ёзишча, унинг клиник ўлими жами 27 дақиқани ташкил этган.

Бемор ҳушига келгач рўчка ва қоғоз сўраб, «У мавжуд» дея ёзган. Қариндошлари Тинадан нима ҳақида ёзганини сўрашганида, у кўзида ёш билан осмонга ишора қилган.

TengriNews хабарига кўра, Интернетда Қозғис-тоннинг Арис шаҳридаги ҳарбий қисмда портлаш чоғида хайрлашув видеосини тарқатган аскар 27 ёшли Исатай Алибаевга номаълум бизнесмен йирик миқдорда пул совға қилди.

Унинг сўзларига кўра, саҳий тадбиркорни кўчада учрашиб қолган. Эраканинг ўзи офицерга яқинлашиб, фуқароларни эвакуация қилишдаги ёрдами учун миннатдорлик билдириб, бир даста 10 минг тенгелик купюраларни берган.

«Бу йирик миқдордаги пуллар эди, санаб кўрмадим. Тахминан 100 минг тенге, балки ундан кўпдир. Пулларни олишни хоҳламаганим, лекин уни менга бериб «Баракалла! Сен билан фахрланаман», деди. Сўнг мени қаттиқ қучоқлади. Айтмоқчиманки, мен шунчаки ўз ҳарбий бурчимни бажардим холос. Урнимда бошқа одам бўлганида ҳам шундай йўл тутган бўлар эди», — деб айтган И.Алибаев.

Sputnik хабарига кўра, Қирғизистон Республикаси собиқ Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Кўй-Тош қишлоғидаги дала ҳовлиси олдида юздан ортиқ киши тўпланган.

Собиқ Президент уйи яқинига одамлар машиналарда келмоқда. Ҳовлига матраслар олиб келинди. Бир сутка давомида Атамбоевнинг уйи девори бўйлаб бетон плиталар пайдо бўлди. Катта юк машинада тошлар олиб келинди.

Ижтимоий тармоқларда бу ҳолат кўплаб саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Атамбоев қўлга олинган бўлса, унинг тарафдорларига бу тошлар қаршилик кўрсатиш учун керак бўлиши мумкин, деган тахминлар билдирилмоқда.

Атамбоевнинг маслаҳатчиси Кундуз Жолдубаевнинг сўзларига кўра, уй ҳовлисида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва пойдевор қуриш учун тош олиб келинган. Бундан ташқари, уй яқинида журналист ва тарафдорлар учун штаб ташкил этилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

